

Мавлид ҳақида ўйлар (иккинчи мақола)



09:05 / 01.10.2021 6407

«Мавлид» сўзи «таваллуд», «таваллуд они» каби маъноларни англатади. Истеъмомда эса, охир замон Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таваллудлари, таваллуд кунлари, ойлари ҳамда шу муносабат билан қилинадиган йиғин ва унда ўқиладиган асарларга нисбатан ишлатилади.

Мавлид маросими қилишнинг шаръий ҳукми ҳақида турли илмий мақолалар, маърузалар халқимизга озми кўп тақдим қилинди. Хусусан, устозимиз Шайх Муҳаммад Содик ҳазратлари бу борада керакли, лўнда ва энг мўътадил хулосаларни эълон қилдилар. Бу маълумотлар айна оғриб турган жойга малҳам бўлди, кўплаб ихтилофлар барҳам топди. Шунингдек, Мубашшир Аҳмад домламиз ҳам мавлид ҳақида айрим хилофлар ва уларга жавобларни бир кичикроқ мақола ёрдамида тақдим қилдилар. Аслида бу ҳақда гапирилса, жуда ҳам гап кўп. Бу мавзуга бағишланган катта кичик ҳажмдаги китоблар кўплаб топилади. Насиб қилса, уларни батафсил ўрганишга ҳам имкон бўлиб қолар. Аммо, айна вақтда керакли хулоса чиқариш учун ақлли одамга мазкур маълумотлар ҳам етарли экани эътиборидан, мен ҳозир мавлиднинг жоиз ёки ножоизлиги ҳақидаги далилларга киришиб ўтирмай, ушбу мавзуга доир анчадан бери ўзим ўйлаб

юрган айрим фикр мулоҳазаларни сиз азизлар билан ўртоқлашмоқчиман. Яхшилик бўлса, Аллоҳдан. У зотнинг Ўзидан хато камчиликларимни мағфират этишини умид қиламан ва сиз азизлардан ислоҳ йўлида кўмаклашишингизни илтимос қиламан.

Ҳасанхон Яҳё Абдулмажид

1435 ҳижрий Рабиулаввал ойи

Нега Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида ва у зотдан кейинги мақталган асрларда мавлидни нишонлаш одати бўлмаган? Ахир салафи солиҳларимиз Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга биздан кўра муҳаббатлироқ ва итоатлироқ эдилар-ку?

Мавлидга қарши бўлган кишиларнинг асосий даъволари айнан шундай. «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам динни мукамал етказган бўлсалар, энди унга қилинган қўшимча бидъат бўлади да», дейишади. Тўғри, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч қачон одамларни тўплаб, ўзларининг таваллуд кунларини иншонламаганлар, бунда ҳеч қандай шубҳа йўқ. Аммо у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар душанба рўза тутардилар ва у зотдан бунинг сабабини сўрашганда: «Бу мен туғилган кундир», деганлар. Демак, у зот туғилган кунларини эътиборда тутганлар, у кунни ўзига хос ибодатда ўтказишни маъқул кўрганлар. Қолаверса, мавлид маросимларини ташкил қилишга туртки бўлган сабаблар ва ундан кўзланган мақсадларга у зот ҳаётлик чоғларида умуман ўрин бўлмаган. Салафи солиҳлар ҳақида ҳам шу гапни айтиш мумкин. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида ҳозирда жорий бўлиб турган кўп нарсалар йўқ эди. Қуръонни китоб қилиш, Рамазонда таровеҳда хатм қилиш, охириги ўн кунликда жамоат бўлиб таҳажжуд ўқиш, мадраса ва университетлар ташкил этиш, турли муносабатлар билан ҳар хил анжуманлар, йиғилишлар ўтказиш каби ишларнинг бирортаси бўлмаган. Шу билан бирга, бу каби ишлардан қайтарилмаган, балки уларнинг пойдеворлари барпо этилган, уларга кенг йўл очиб қўйилган, асослари белгилаб берилган. Ана шу асосларга кўра ҳар даврнинг уламолари ўзлари яшаб турган замондаги вазиятдан, мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб, ўша пайт учун зарур бўлган турли хайрли ишларни йўлга қўйганлар. Шу тарзда Аллоҳ таоло Ўз инояти билан Уммати Муҳаммадияга

ҳамма даврда Ислоннинг ҳимоясига, ривожига сабаб бўладиган ишларни илҳом қилган. Мавлид ҳам ана шундай амаллардан бири, десак, хато бўлмайди. Эҳтимол, ўтган салафлар даврида мавлидни эҳтиёж йўқлиги сабабидан қилишмагандир. Кейинги пайтларда бунинг зарурати ва манфаатлари юзага чиққандирки, уламоларимиз бу ишни жорий қилишган. Мисол учун, айрим мусулмон ўлкаларда, жумладан, Андалусияда насронийлар ўзларининг байрамларини нишонлаб, турли тадбирлар қилишарди. Мусулмон ёшларининг онгида ўша байрамлар из қолдираётгани сезила бошлади. Шунда ушбу хатарнинг олдини олиш мақсадида Андалусиялик уламолар мавлид маросимларини ташкиллаштиришган, оммани мункардан сақаш учун мувоҳаммад амалларни фойдаланишни йўлга қўйишган.

Иккинчидан, мавлидни ҳеч ким асли шариъатда жорий қилинган амал деб айтмаган. Балки, буни бир яхши одат сифатида кўришган ва шариатга хилоф бўлмаган, шаръий мақсадларга хизмат қиладиган восита, деб қарашган. Агар унга шаръий тус бериб, фарз, вожиб ё суннат амал дейилса эди, уни динда янгилик деса бўларди. Мавлид барча замонларда одатий бир тадбир ўлароқ амалга ошириб келинган. Қолаверса, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёки у зотдан кейинги салафларнинг бирор ишни қилмаганлиги унинг ножиозлигини тақозо этмайди. Бу барча бир овоздан таъкидлаган машҳур фикрий қоидадир. Шариатда одатларга кенг йўл очиб қўйилган. Қуръон ва Суннатга хилоф бўлмаган одатлар мувоҳаммад саналади. Ана шундай амаллар агар шариат мақсадларига хизмат қилса, ҳамоҳанг бўлса, унда уларда ниятга кўра савоб ҳосил бўлади.

Бугунги кунда мусулмонлар ўртасида турли байрамларни нишонлаш кенг ёйилди. Хатто мусулмонларга ёт бўлган байрамлар ҳам пайдо бўлди. Кўплаб мусулмон фарзандлари ўз Пайғамбарларининг тавалуд кунларини билишмайди, қачон яшаб ўтганларидан тамоман беҳабарлар, аммо «Валентин куни», ва яна бошқа қандайдир кунларни яхши ажратишади. Кўпчилик мусулмонлар ўзларининг саналари – ҳижрий сананинг қайси йилида ва ойида турганини билишмайди, йил алмашади, ҳеч кимнинг хабари йўқ, лекин мелодий санага бундай муносабатда бўлмайдилар. Бунга ўша кунларнинг турли тадбирлар билан ўтказилиши сабаб бўлаётганида шубҳа йўқ. Энди мусулмонларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламини таништириш, у зотнинг қачон ва қандай яшаб ўтганларини эслатишнинг энг қулай воситаларидан бири, шубҳасиз, мавлид маросимларини уюштириш бўлиб қолди.

Кейинги даврларда мусулмонларнинг заифлиги боис бўлиб, бошқалар томонидан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан ҳар хил нолайиқ сўзлар, беадабона ҳаракатлар содир бўлиши бироз кўпайиб қолди. Ушбу вазиятда мусулмонларнинг у зот соллаллоҳу алайҳи васалламни улуғлаб, у зотга бўлган муҳаббатларини, аҳдларини изҳор этиб, мавлид йиғинлари ташкил қилишлари мазкур нобақбул тасарруфларга бир нав муносиб жавоб ҳам бўлади. Бундай тадбирлар мусулмонларнинг ўзлари учун ҳам иймонларини, муҳаббатларини чархлаш, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган аҳдларини бир қатор янгилаш нуқтаси бўлиб хизмат қилиши ҳам тажрибаларда ўз тасдиғини топиб келмоқда. Африкадаги мавлид маросимларида ҳар йили минглаб насронийларнинг Исломни қабул қилиши фикримизнинг ёрқин далилидир.

Мавлидни аслида ким ўйлаб топган?

Мавлидни нишонлаш биринчи бўлиб айнан кимдан чиққани ҳақида аниқ маълумот йўқ. Тахмин қилиш мумкинки, бу амал даставвал оммавий равишда нишонладиган маросим сифатида дунёга келмаган. Аввлига айрим кишилар ушбу мавлид ойида ўзаро, торроқ доирада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таваллуд кунларига алоҳида эътибор бериб, уни хурсандчилик билан ўтказишга, шу кунда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни кўпроқ эслашга ҳаракат қилишган, ва бу ҳолат кўпчиликка ижобий таъсир қилиши натижасида, аста секин оммалишиб борган. Кейинроқ бу амал оммавий тарзда, давлат миқёсида ўтказиладиган тадбир тусини олган. Мағриблик тадқиқотчи устоз Аббос Жарорийнинг таъкидлашича, Аббосийлар халифалари ичида ҳам тор доирада бўлса да, мавлид кунини нишонлаш бўлган. Халифалар мавлид куни ҳадялар улашиб, хурсандчилик изҳор қилишган. Шунингдек, алавийларда ҳам мавлид кунини нишонлаш одати бўлган. Андалусиялик сайёх Ибн Жубайрнинг айтишича, 579/1183 санада Маккаи Мукаррамада Рабиулаввал ойининг душанбасида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таваллуд топган уйларини ва бошқа ёдгорликларини зиёрат қилиш учун очиб қўйишар, одамлар ёппасига кириб у жойни зиёрат қилишар экан. Абу Аббос Азафий (в.633/1235) ўзининг «Ад Дуррул муназзом фи мавлиди ан Набиййил муъаззом» номли мавлид асарида келтиришича, ўша даврда Маккаи Мукаррамада Мавлид куни расман дам олиш куни ҳисобланган экан. Муаллиф ушбу асари орқали кишиларни мавлидни нишонлашга тарғиб қилган ва бунинг ўша даврдаги зарурати ҳақида қатор фикрларни билдирган. Жумладан, Андалусияда кўпчилик мусулмонларнинг билиб билмаган ҳолда насронийларнинг байрамларига аралашиб қолаётганларини, бу уларнинг эътиқодларига зарар етказишини

ва мубоҳ иш билан бўлса да, бу хатарнинг олдини олиш лозимлигини таъкидлаган.

Кўпчилик тарихчиларнинг, жумладан, Жалолиддин Суютийнинг маълумотларига кўра, мавлид маросимини тантанали, оммавий ва мунтазам равишда биринчи бўлиб йўлга қўйган киши Айюубийлардан Арбил (ҳозирги Ироқнинг шимолида жойлашган шаҳар) ҳокими Абу Саъид Музаффаруддин Кўкбўри ибн Зайниддин Алий ибн Бектегин (в. 630/1232) бўлган.

Маълумки, ҳижрий ўрта асрларда Ислом оламида тасаввуф уламоларининг фаолияти жадаллашган. Мавлид йиғинларини ташкиллаштиришда ҳам кўпроқ тасаввуф намояндалари муҳим ўрин тутган. Мазкур подшоҳ – Музаффаруддин ҳам тасаввуф аҳлига мухлис, ўзи ҳам шу сулукни тутган, зикр халқаларида фаол инсон бўлган. Умуман олганда, тасаввуф уламолари ички фикр кўпроқ эътибор берганлари, Аллоҳ ва унинг Расулига муҳаббат изҳор қилишда ҳаммага намуна бўлганлари ва қалблари ўта ҳассос, шавқли бўлганидан мавлид маросимларига алоҳида эътибор беришган. Ўзларининг зикр халқаларини мавлид ойларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга кўроқ саловот айтишга, узотнинг сийратларини чуқурроқ ўрганишга, ҳақларида мадҳлар айтишга қаратишлари ҳам уларнинг мавлидни нишонлашларига боис бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, мавлидни нишонлаш қандайдир жоҳил, нодон инсонлар тарафидан ўйлаб топилган ўйин кулги маросими эмас, балки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муҳаббатлари қалбларида жўш урган, олим, солиҳ, тақводор кишилар томнидан жорий қилинган. Тўғри, мавлидга шиалар, алавийлар ҳам кўп эътибор берган, лекин бу фақат улар йўлга қўйган иш эмас. Балки аҳли сунна уламоларининг кўпчилиги мавлидни жоиз, мустаҳаб амал деган ва уни ўтказишда жонбозлик кўрсатган.

Мавлид фақатгина туғилган кунни нишонлаш маъносида юзага келмаган. Балки Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга ошиқ қалбларнинг ушбу кунларда у зот соллаллоҳу алайҳи васалламни кўпроқ ёдга олишлари, у зотнинг таваллудларини эсга олганда ўзларида шодлик ҳис этишлари, шу кунда у зот алайҳиссаломнинг таваллудларининг хурсандчилиги тасаввурларида гавдаланиши, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган соғинч туртки бўлган. Бу аслида инсоний табиатнинг инъикосидир. Мисол учун, инсон ўтган яқин кишилари, ота онаси, фарзанду жигарларини уларга боғлиқ бўлган кунларда, хусусан, таваллуд ё вафот кунларида

алоҳида хотирлайди, уларнинг яхшиликларини ёдга олиб, ўзини бир зум улар билан яна бирга бўлгандек ҳис этади, улар билан ўтказган энг ширин дамларини эсга олади, ёдгорликларини томоша қилиб, кўзларига суртади, шундай қилиб, бироз бўлса да, соғинчини қондиради. Бу оддий инсоний одат, табиий эҳтиёждир. Буни бидъат дейиш умуман тўғри бўлмайди. Мавлид йиғинлари ва уларни ўтказган кишилар билан танишсангиз, мавлид асарларини ўргансангиз, уларда ҳам худди ана шундай юксак бир кайфиятни ҳис этасиз. Шунинг учун ҳам мавлидни нишонлашда кўпроқ аҳли завқ кишилар, қалблари ҳассос бўлган зотлар, тасаввуф машойихлари жонбозлик кўрсатишган.

Ҳар нарсанинг ўз мавсуми бўлади. Мисол учун, мусулмонлар Қуръонни доимо ўқиб, ўрганиб юрадилар. Қуръон нозил бўлган ой – Рамазон ойида эса Қуръонга алоҳида эҳтимом берадилар, ҳар қачонгидан ҳам бу ойда Қуръонга кўпроқ боғланадилар. Бу бошқа ойлarda Қуръонга эътибор бермасалар бўлаверади, дегани эмас. Балки шу ойда бир йилга етгудек захира тўплаб олишлари учун бир тадбирдир. Ана шундай қилиб, Қуръонга бўлган муҳаббатлари, қизиқишлари, аҳдлари ва бу борадаги билимларини ҳар йили янгилаб оладилар. Бу Шориъ Ўзи жорий қилган ишдир. Мавлид ойи ҳам ана шундай бир мавсум, холос. Сийратни ўрганиш мавсуми. Бунинг учун энг муносиб ой ушбу мавлид ойи бўлишига ҳеч ким шубҳа қилмаса керак. Бу бугунги кундаги «Ёнғинга қарши кураш ойлиги», «Ҳаракат хавсизлиги ойлиги» каби мазмунда жорий бўлган.

Шунингдек, одатда мавлид, айрим кишилар ўйлаганидек, бошқа дин вакилларига эргашиб эмас, балки уларга муқобил равишда амалга оширилган. Мусулмон ёшларнинг ахлоқларини, рағбатларини бошқа дин вакилларининг байрамлари таъсиридан асрашни мақсад қилинган. Иккинчидан, бундай ишлар фақат тақлиддан келиб чиқмайди, балки ички ҳис туйғу турткиси бўлан ҳам бўлади. Хусусан, биз назарда тутган мавлидни жорий қилган зотлар улуғ олим кишилар, тақводор инсонлар бўлган. Улар бошқаларга тақлид қилишдан энг узоқ одамлар бўлишган.

Шу билан бирга, мавлидни маълум бир оят ёки ҳадиснинг далолатидан келиб чиқиб шаръан талаб қилинган амал шаклида эмас, балки шариат сукут қилган, яъни буюрмаган ёки қайтармаган одат, тадбир сифатида йўлга қўйганлар. Кейин бунга қарши чиққанларга унинг жоизлигини, балки мандублигини қўлловчи далиллар билан раддия билдирганлар.

Бир гуруҳ олимларни ҳисобга олмаганда, жумҳур уламолар асрлар оша мавлидни нишонлашни жоиз, мандуб, савобли амал, деб айтиб келишган.

Бу ҳақда қатор асарлар битилган. Ўз асрининг ҳофизи даражасидаги олимлар алоҳида мавлид асарлар ёзишган, мавлид маросимларини тартибга солишга, турли булмағур одатлардан ҳоли тарзда ўтказишда жонбозлик кўрсатишган. Бу ҳақда мавлид асарлари ҳақида сўз юритганимизда алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Биз нима қилишимиз керак?

Мавлид ҳақидаги хилофлар оз бўлса да, айрим кишилар ўртасида ҳануз бор. Мавлид ҳақиқатан ҳам бидъатмикин ёки жоиз, савобли амалмикин, деган маънода иккиланиб юрганлар янада кўпроқ топилади. Мавлидни қўлловчилар ҳам, уни инкор этувчилар ҳам ўзларининг далилларини келтиришда давом этаверишади. Лекин кўп ҳолатларда икки тараф ҳам бир бирининг далилларида қониқмайди. Натижада, ўртадаги хилоф борган сари чуқурлашиб, чигаллашиб бораверади. Шунинг учун ҳам мавлид ҳақидаги тортишувлар асрлар оша бир тўхтама келмаган. Аммо холис ўрганилса, мавлидни ёқловчилар қадимдан кўпчиликни ташкил қилиб келган ва уларнинг далиллари омма мусулмонларни қониқтирган. Шунинг учун ҳам айрим уламолар мавлиднинг жоизлигига жумҳур уламолар иттифоқ бўлганлар, деб айтади. Ҳар қалай, мусулмонлар ўртасида мавлидни ёқловчилар асосий қисмини ташкил қилиб келган. Ҳатто бугунги кунда ҳам мавлидга қарши кишилар ҳар қачонгидан кўп бўлса да, барибир мавлидни қўлловчилар олдида жуда ҳам озчиликни ташкил қилади. Айниқса, бизнинг юртларда деярли барча олимлар мавлидни жоиз, савобли амал деб биладилар.

Мавлид қилишнинг ўзига яраша шаръий далиллари бор, асослари бор ва кўплаб манфаатлари бор. Мусулмон уммати тақрибан минг йилдан бери буни қилиб келмоқда. Ислом умматининг таянчи бўлган қатор алломалар буни яхши амал санашган. Хусусан, бизда барча уламоларимиз мавлид қилишни тарғиб қилиб, ўзлари ҳам уюштириб келганлар. Бугунги кунда Мусулмонлар диний идораси раҳбарлари ҳам, шайх Муҳаммад Содиқ ҳазратлари ва бошқа уламоларимиз ҳам мавлид қилишни ёқлайдилар. Халқимизда бу иш қадимдан анъанага айланган. Бунга қарши юриб фитна чиқариш ҳеч қанақасига оқланмайди, дину диёнатга заррача ҳам фойда келтирмайди.

Уламоларимиз Ибн Масъуд розияллоху анҳунинг: «Мусулмонлар яхши санаган нарса Аллоҳнинг наздида ҳам яхшидир», деган сўзлари айнан мавлидга мос тушади, дейдилар. Нима бўлганда ҳам, биз кўпчиликнинг, жумладан, юртимиз уламоларининг фикрларини ушлаш билан чекланиб,

ихтилофга ўрин бермаслигимиз ҳар жиҳатдан лозимдир. Зеро, бугунги кунда мавлиддан кўзланган мақсдаларга эришишга мусулмонлар ҳар доимгидан кўра кўроқ муҳтождирлар.

Бугунги кунда мусулмонлар турли катта кичик байрамларни нишонламоқдалар. Шу муносабат билан ҳар хил тадбирлар ўтказишади. Бунинг натижасида ўша кунларни ҳамма ёдда тутуди, интизорлик билан кутуди, муносиб таёргарликлар кўради. Аста секин қалбларда ўша кунлар ва уларга боғлиқ нарсаларга нисбатан алоҳида эътибор ва эҳтиром шаклланади. Булар ҳақида ҳеч ким ихтилоф қилмайди. Тўғри, бунга уларга диний тус берилмагани ҳам сабаб. Аммо мавлидни ҳам ҳеч ким дин талаб қилган иш демайди. У ҳам бир тадбир, одатий маросим. Бугунги шароитда ундан унумли фойдаланиш лозим.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг таваллуд ойларида у зотни кўпроқ зикр қилишнинг нима ёмон жойи бор? Шу фурсатда ўз Пайғамбарларига бўлган муҳаббатларини сайқаллаш учун бирор жойда тўпланиб ўтириб, у зотнинг сийратларини, мадҳларини ўқиш фақат яхшилик бўлади. Модомики, буни диний амр деб билинмаса, бир одат бўлади, холос. Аммо мусулмонлар ўртасида ихтилоф чиқариш ҳаром, шариат қатъий қоралаган иш. Кимдир мавлиднинг жоизлиги ҳақидаги далиллардан қониқмаса, ножоиз деганларнинг фикрларига қалби мойил бўлса, марҳамат, ўз фикрида қолаверсин, аммо бошқани бунга мажбур қилмасин, нарги тараф ижтиҳодига таъна тоши отмасин. Мавлидга бормаса борма қўяверсин, лекин борганларни маломат этмасин. Ўзлари билган шаръий далилларга асосланиб, улардан қониққанлари учун, кўпчилик буюк олимларнинг ижтиҳодларига эргашиб, умматнинг кўпчилиги тарафида турган кишиларни қораламасин, танқид қилмасин. Акс ҳолда, фитна қилган бўлади, асрлар оша мавлид қилиб ўтган ва ҳозирдаги кўпчилик мусулмонларга озор беради, уларга нисбатан беодоблик қилган бўлади. Бу эса мўмин кишининг ахлоқига зиддир.

Шу билан бирга, мавлид тарафдорилари ҳам қарши тарафни мавлидни ёқламаганлари учун турли лақаблар билан атаб, тоифагарчилик уруғини сочмасликлари керак. Чунки бу масала, бугунги кунда кўпчилик уламоларимиз таъкидлаётганидек, тортишадиган, мусулмонлар ўртасида хилоф, кек адоват келтириб чиқаргудек масала эмас. Шундоқ ҳам мусулмонларнинг ўрталаридаги хилоф ортиғи билан урчиб ётгани аччиқ ҳақиқат. Бугун ҳамма мусулмонлар бунинг захрини тотишга мажбур бўлиб турибдилар. Аслида уларнинг муштарак мақсадлари, фикрлари, ечилмай

турган мушкуллари тўлиб тошиб ётибди. Олдин ана ўша муштарак масалалар ҳақида гаплашиш, муаммоларни ечиш, ихтилофли нарсаларни ўртага ташламаслик бугунги куннинг энг долзарб бўлиб турган қадамидир. Ҳеч бўлмаса, «икки зарардан бирини танлашга тўғри келиб қолса, энгилини олинади» деган машҳур шаръий қоидага амал қилиш керак. Мавлидни жоиз ёки ножоиз дейиш қандайдир шаръий эътибори бор зарарли иш дейилганда ҳам, ҳеч қачон мусулмонларнинг ухувватларига – биродарликларига путур етказишчалик зарарли бўлмайди, ҳатто таққсолашга ҳам ярамайди. Мусулмонлар ҳозир айнан шу исломий таомил – биродарлик, дўстлик тушунчасини тиклашга, сақлашга ҳар қачонгидан ҳам муҳтождирлар. Ўзи Ислоннинг бош мақсадларидан бири ҳам шу: инсонлар ўртасида меҳру муҳаббат ришталарини мустаҳкамлаш.

Ҳозир биз мавлиднинг жоиз ножоизлиги ҳақида эмас, уни қандай ўтказиш кераклиги ҳақида бош қотиришмиз муносиб. Мавлидда нималарни гапириш, нималарни ўқиш керак, ундан қандай фойдаланиш керак, мана шу ҳақда баҳс қилсак бўлади.

Олдинги уламоларимиз мавлиддан кўзланган мақсад ҳосил бўлиши учун ўз даврлари ва шароитларидан келиб чиқиб, уни турли йўсинда ўтказиб келганлар. Айрим юртларда давлат миқёсида нишонланса, айрим жойларда маҳаллий йиғин шаклида ўтказилган. Бугун ҳам ҳар бир жойдаги мавлудхонлар ўз жамиятларидаги ҳолат, вазиятдан келиб чиқиб, мавлиддан кўзланган мақсадларни рўёбга чиқаришга ҳаракат қилишлари лозим.

(Давоми бор)